

ХОЗИРГИ АДАБИЙ ХИНДИЙ ТИЛИДАГИ ТАРТИБ СОНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МОРФОНОЛОГИЯ ҲОДИСАСИ

Сирожиддин Султанмуратович Нурматов

Тошкент давлат шарқшунослик университети «Жанубий ва Жануби-Шарқий
Осиё тиллари» кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ҳозирги адабий хиндий тилидаги истисно ҳусусиятига эга бўлган тартиб сонларга оид лексемаларнинг шаклланиш жараёнлари атрофлича ўрганилган. Уларнинг ўзига хос фонетик ҳусусиятлари тадқиқ этилган. Қадимги хинд-орий тиллари даврида содир бўлган шакллар ўрта хинд-орий тиллари даврига ўтиш жараёнида қандай фонетик ўзгаришларга учраганлиги ҳамда янги хинд-орий тиллари даврига келиб улар таркибида қандай морфонологик ҳодисаси содир бўлганлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: сон сўз туркуми, тартиб сонлар, лексема, лексик бирлик, морфонология, қадимги хинд-орий тиллари, ўрта хинд-орий тиллари, янги хинд-орий тиллари, санскрит, палий, пракрит, апабҳаранша.

КИРИШ

Илмий манбаларда қайд этилишича, кўпчилик тилларда саноқ сонлар билан бир қаторда тартиб сонларга оид дексик бирликлар ҳам кенг қўлланилади. Мақолада Жанубий Осиё минтақасида кенг тарқалган хинд-орий тилларига хос бўлган хиндий тилидаги тартиб сонларга хос лексик бирликларнинг ўзи хос шаклланиш жиҳатлари тадқиқ этилади. Ҳусусан, қадимги хинд-орий тиллари даврига хос бўлган ведик санскрит ва санскрит, ўрта хинд-орий тиллари даврида ривожланган палий, пракрит ва апабҳаранша ҳамда янги хинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий хиндий тилидаги истисно ҳусусиятига эга бўлган тартиб сонларга хос лексемаларнинг ривожланишида содир бўлган фонетик жараёнлар таҳлил қилинади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мазкур мақолани ёзишда хинд тишинос олимларидан Д.Варма, У.Тиварий, Б.Тиварий, К.Гуру, С.К.Чаттержий каби хинд тишинос олимлари томонидан ёзилган кўплаб илмий асарлардан кенг фойдаланилди. Улар томонидан тартиб сонларнинг шаклланишига доир берилган маълумотлар атрофлича

ўрганилди. Тўпланган мисолларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тарихий ҳамда тавсифий методлар асосида таҳлил қилинди.

Ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги тартиб сонлар ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш жиҳатлари билан фарқланиб туради. Мазкур мақолада янги ҳинд-орий тилларига хос ҳиндий тилидаги тартиб сонларнинг шаклланишида содир бўлган морфонология ҳодисаси атрофлича ўрганилади. Ҳинд тилшунослигига ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги баъзи тартиб сонлар ўзига хос истисно хусусиятлари билан бошқа тартиб сонлардан ажралиб туради. Яъни, “биринчи”, “иккинчи”, “учинчи”, “тўртинчи” ва “олтинчи” каби тартиб сонларга хос лексемалар бошқа тартиб сонлардан фарқли равишда ўзига хос усулда шаклланганлиги билан фарқ қиласи. Тартиб сонларга хос бўлган ушбу лексемаларнинг шаклланишида морфонология ҳодисаси ҳам юз берган. Ушбу мақолада истисно хусусиятига эга бўлган тартиб сонларнинг келиб чиқишига алоҳида урғу берилади.

Таъкидлаш жоизки, тартиб сонларнинг шаклланиши борасида қўплаб ҳинд тилшунос олимлари ўз тадқиқот ишларини олиб борганлар. Хусусан, Сунитий Кумар Чаттержий, Бҳоланатҳ Тиварий, Удайнараян Тиварий, Дхирендра Варма каби йирик тилшунос олимлар барча сон турлари орасида тартиб сонларнинг ҳам келиб чиқишини тадқиқ этганлар. Илмий асарлардан маълум бўлишича, ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги истисно хусусиятига эга бўлган барча тартиб сонлар ўзига хос шаклланиш хусусиятларига эга. Куйида уларнинг ўзига хосликлари хусусида алоҳида тўхталамиз.

Ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги *पहला* pehla: “биринчи” тартиб сонининг шаклланиши хусусида турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи манбаларда ушбу тартиб сони *प्रथिल* prathil шаклидан келиб чиқсан дейилади. Тилшунос олим Д.Варманинг фикрича ушбу тартиб сон санскритча қолип *प्र tha इल il* товуш ва морфемларнинг бирикуви натижасида ҳосил бўлган. Даставвал ушбу сон *पथिल* pathill *पद्धिल* padhill шаклларида қўлланилган бўлиб, ҳозирги адабий ҳиндий тилига келиб *पहला* pehla: шаклида қўлланила бошлаган.

Яна бир тилшунос олим У.Тивари эса ушбу лексема санскритча *प्रथम* pratham ҳамда *पद्म padham* + *इल्ल ill* қўшилиши натижасида ҳосил бўлган *पद्धिल* padhill шаклида ривожланиб *पहिल pahil* лексемасига эга бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Б.Тиварий фикрига кўра ушбу лексема пракритдаги *पद्म padham*, *पद्मिल padhmill*, *पद्मिलग padhmill* ҳамда апабҳараншадаги *पहिल pahil* *पहिला pahila*, муаннас жинсига

хос бўлган *पहिली pahili:*, *पहली pili:* шаклларидан ривожланган. Демак, “биринчи” тартиб сонига хос лексема дастлаб санскрит тилида *प्रथम pratham*, ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларида *पढमिल्लक padhmillak*, яъни *पढम padham* (бу ерда *r* нинг таъсири натижасида церебрал товуш ҳосил бўлган) + *इल्ल ill* (санскритча *इल il* қўшимчаси қўшилган) + *क k* ва қайд этилганидек *पढमिल्लक padhmillak* лексемаси ҳосил бўлган. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос ардҳамагадийда ушбу лексеманинг *पढमिल्लग padhmillag* шакли қўлланилган. Кейинчалик *पहङल्लअ pahailla* шаклида ҳам қўлланилган. Апабҳаранша тилига келиб бу *पहिला pahila* шаклига эга бўлган. Ҳозирги адабий ҳиндий тилига келиб бу лексема *पहिला pahila:* ва *पहला pehla:* шаклларида қўлланила бошлаган. Ушбу лексеманинг муаннас шакли пракритда *पढमिल्लका padhmillika:*, *पहिल्लअ pahillia:*, апабҳараншада *पहिली pahili:*, *पहली pehli:* шаклларида ривожланган ва ҳозирги адабий ҳиндий тилига келиб у *पहिली paheli:* ва *पहली pahli:* шаклларида қўлланила бошлаган.

НАТИЖАЛАР ВА МУХОКАМА:

Ҳиндий тилида кенг қўлланиладаган *द्विसरा du:sra:* “иккинчи”, *तीसरा ti:sra:* “учинчи” каби тартиб сонларга хос бўлган лексемаларнинг ривожланишига *द्वितीय dviti:y* “иккинчи”, *तृतीय triti:y* “учинчи” каби санскритча шаклларнинг алоқаси йўқ. Баъзи олимларнинг фикрича ушбу лексемаларнинг ривожланиши *द्वि dvi* + *सृतः sritah* ҳамда *त्रि tri* + *सृतः sritah* каби шакллар билан боғлиқ. *सृत srit* “иккинчи” ва “учинчи” тартиб сонида қўлланиладиган *सर sar* га тенгдир. Д.Варма, У. Тиварий каби олимлар бунга тўлиқ қўшилмайдилар. С.К.Чаттержий эса ушбу лексемаларда *सर-आ sar-a:* суффикслари қўшилганлигини таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, санскрит тили грамматикасида *त्रि tri* “уч” ва *चतुर्च chatur* “тўрт” каби шакллар *तीन ti:n* “уч” ва *चार cha:r* “тўрт” каби саноқ сонларга хос лексемаларнинг дастлабки шакли сифатида тан олинган. Эътиборли жиҳати шундаки, санскрит тилига хос бўлган ушбу шакллар музаккар ва ўрта жинсга оид шаклларда қўлланилган. Муаннас жинсига хос отлардан олдин эса ушбу лексемалар *तिस्री tisri* *चतस्रे chatsri* шаклларида қўлланилган. Бундай фикрларни Паниний ҳам таъкидлайди, унинг фикрига кўра муаннас жинсига оид отлардан олдин *त्रि*

tri “уч” ва **ч**түр chatur “тўрт” каби саноқ сонлар тартиб сонлар вазифасини бажарганда улар **ти**сү tisri **ч**тисү chatsri шаклларини олган. Ушбу шакллар санскрит тилида эмас, балки авесто тилида ҳам учрайди. Демак, қадимги тилларда “уч” сонининг иккита, яъни **ти** tri **ти**сү tisri каби шакллари мавжуд бўлган. Қайд этилишича, **ти**сү шакли асосида санскрит тилида “учинчи” тартиб сони **т**рттий triti:y, **ти**сүттий tisriti:y, **ти**сүттийк: tisriti:yakah шаклларида қўлланилган ва айнан шу шакллар орқали **ти**сара ti:sra: шакли ривожланган.

Хиндий тилидаги “иккинчи” тартиб сонига хос бўлган **д**усса du:sra: лексемаси ҳам юқоридаги ҳолатда шакллангандир. Таъкидлаш жоизки, тартиб сонлар таркибида учрайдиган -**с**- (-s-) товуши иштирок этган шакллар санскрит, палий, пракрит, апабҳаранша тилларида яратилган адабиётларда деярли учрамайди. Шунингдек, қадимги хинд адабиёти ва ҳиндий тили шеваларида учрайдиган **д**уја du:ja: “иккинчи”, **ти**ја ti:ja: “учинчи” каби шакллар санскритча **д**віттийк: dviti:yakah “иккинчи”, пракритча **д**уйя duijjao “иккинчи”, апабҳараншадаги **д**уйя duijja “иккинчи”; пракритча **т**айя taijjao “учинчи”, апабҳараншадаги **т**айя taijja, **ти**я tijja каби шакллар орқали ривожланган.

“Тўртинчи” маъносини англатувчи **ч**аути chautha: тартиб сони қадимги хинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилида **ч**атуртхак: chaturthakah, ўрта хинд-орий тилларига хос бўлган пракрит тилларида **ч**аттхо chautthao, **ч**аттх chauttha, ардҳамагадхийда **ч**аттх chauttha:, апабҳараншада **ч**аттх chauttha:, **ч**оттх chotthaa ва янги хинд-орий тилларига хос бўлган хиндий тилида **ч**аутха chautha: шаклларида ривожланган. У.Тиварийнинг талқинича ушбу сон санскритдаги **ч**атр chaturth, пракритдаги **ч**аттх chautht шаклларида ривожланган ва ҳозирги адабий хиндий тилида **ч**аутха chautha: шаклига эга.

Хиндий тилидаги истисно хусусиятига эга бўлган **ч**ат chatha: “олтинчи” тартиб сонини Д.Варма ҳамда У.Тиварий каби олимлар санскрит тилидаги **षष्ठ** shashth шакли орқали ривожланганлигини таъкидлайди. Д.Варманинг қайд этилишича пракрит тилида ҳам ушбу тартиб сонининг **ч**ат chatha: шакли мавжуд. Кузатувларимиз натижасида пракрит тилларида бундай шакл учрамади. Бирок, ўрта хинд-орий тилларига хос бўлган ардҳамагадхийда **च**त्त्वा chattha: шакли мавжуд. Фикримизча, “олтинчи” маъносини англатувчи **ч**ат chatha: лексемаси санскритда **षष्ठः**:

shashthakah, пракритда *छट्ठो chhatthao*, апабхараншада *छट्ठ chhattha*, *छट्य chatthaya* каби шаклларда ривожланган. Оғзаки тилда ушбу сон *छठवा chhathva:n* деб ҳам айтилади. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида *छट्ठ chhattho* билан биргаликда *छट्ठम् chhatthamo* шакли ҳам учрайди. Ўрта ҳинд-орий тиллари даврида *छ chha* товуши билан биргаликда *म ma* товуши ҳам қўлланилган. *छठवा chhathva:n* шаклида учрайдиган *वा va:n* айнан шу *म ma* товуши билан боғлиқ.

Юқорида ўрганилган лексемалар ҳиндий тилидаги истисно хусусиятига эга бўлган тартиб сонлар ҳисобланиб, уларнинг шаклланиш босқичлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳиндий тилидаги қолган барча тартиб сонлар саноқ сонларга -*वा va:n* қўшимчасини қўшиш орқали ясалади. Масалан, *पांचवा pa:nchva:n* “бешинчи”, *सातवा sa:tva:n* “еттинчи”, *दसवा dasva:n* “үнинчи” ва ҳоказо. Тилшунос олим Бимзнинг фикрларига асосланган ҳолда Д.Варма -*वा va:n* қўшимчасини санскрит тилидаги -*तम tam* билан боғлайди. Масалан, *पंचतम panchatam* – *पांचवा pa:nchva:n* “бешинчи”. У.Тиварий эса тартиб сон қўшимчасини англатувчи -*वा va:n* аффиксини санскритча -*म mah* аффиксидан ривожланганлигини таъкидлайди (*पंचमः panchamah पांचवा pa:nchva:n*). Б.Тиварий эса -*मक mak* аффиксидан -*वा va:n* ва -*मिका mika*: аффиксидан -*वी vi:n* аффикси шаклланганлигига алоҳида ургу беради. Жумладан, *पंचमक panchamak* (санскрит тилида) – *पांचवा pa:chva:n* (ҳиндий тилида). Тартиб сонга хос бўлган ушбу шакллар фақат музаккар жинсдаги отлардан олдин қўлланилади. *पंचमिका panchamika:* (санскрит тилида) – *पांचवीं pa:chvi:n* (ҳиндий тилида). “Бешинчи” маъносини англатиб келаётган ушбу лексемалар фақат муаннас отлардан олдин қўлланилади. Демак, кузатувлар натижасида шуни қайд этиш лозимки, ҳиндий тили шаклланишининг дастлабки босқичлариданоқ -*वा va:n* аффикси қўлланила бошлаган.

ХУЛОСА

Ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги тартиб сонларга хос лексемалар лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиниши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги тартиб сонларнинг ривожланишида бошқа сон турларининг шаклланиш босқичлари каби уларга қадимги ва

ўрта ҳинд-орий тилларининг таъсири кучли бўлган. Айниқса, ҳиндий тилидаги истисно хусусиятига эга бўлган *ପେହଳା pehla*: “биринчи”, *ଦୂସରା du:sra*: “иккинчи”, *ତୀସରା ti:sra*: “учинчи”, *ଚାଉଥ୍ବ chautha*: “тўртинчи” ва *ଛଠା chatha*: “олтинчи” каби тартиб сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида улар таркибида турли хил морфонологик ҳодисалари юз берганлиги қузатилди.

2. Ҳиндий тилидаги *ପେହଳା pehla*: “биринчи” тартиб сони *ପ୍ରଥିଲ prathil* шаклидан келиб чиқсан бўлиб, у турли хил босқичлардан ўтиб *ପେହଳା pehla*: шаклига эга бўлган. Морфонологик ҳодисаси юз бериши натижасида ҳозирги адабий ҳиндий тилига келиб ушбу лексема таркибида *ତ୍ର pr* лигатура шаклида қўлланилган *ତ୍ର p* ҳамда ушбу лексема таркибидаги *ଲ l* товушлари сақланган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда ҳам адабий ҳиндий тилида санскритча шакл ҳисобланмиш *ପ୍ରଥମ pratham* лексемаси асосан татсама сўзлари билан кенг қўлланилади.

3. *ଦୂସରା du:sra*: “иккинчи” ва *ତୀସରା ti:sra*: “учинчи” каби тартиб сонлар маъносини англатувчи лексемаларда ҳам морфонологик ҳодисаси юз берган. *ଦୂସରା du:sra*: “иккинчи” тартиб сони даставвал *ଦ୍ୱିତୀୟ dviti:y* шаклида қўлланилган бўлса-да, *ତୀସରା ti:sra*: “учинчи” тартиб сонининг шаклланишига ўхшаб унинг ривожланишига ҳам -*ସ୍ରି- sri-* аффиксининг таъсири бўлган. “Учинчи” тартиб сони *ତୃତୀୟ triti:y*, *ତିସ୍ତୃତୀୟ tisriti:y*, *ତିସ୍ତୃତୀୟକ୍ tisriti:yakah* шаклларида ривожланган. Ушбу лексемалар таркибида ҳам -*ସ୍ରି- sri-* аффикси иштирок этган бўлиб, морфонология ҳодисаси юз бериши натижасида ушбу лексема *-ସରା -sra*:аффиксига айланган. Тартиб сонни англатувчи ушбу аффикс ёрдамида истисно хусусиятига эга бўлган “иккинчи” ҳамда “учинчи” тартиб сонлари шаклланган.

4. Ҳиндий тилидаги истисно хусусиятига эга бўлган *ଚାଉଥ୍ବ chautha*: “тўртинчи” ва *ଛଠା chatha*: “олтинчи” маъносини англатувчи тартиб сонлар қадимги ва ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ўзига хос равища ривожланганлиги билан қолган тартиб сонлардан фарқ қиласи. Ушбу сонларга хос лексемалар қадимги ҳинд-орий тилларидан то янги ҳинд-орий тилларигача ривожланиши жараёнида улар таркибида *ତ୍ର tha* ва *ତ୍ରକ୍ tha:k* каби церебрал товушлар сақланган. Таъкидлаш жоизки, ушбу тартиб сонларга хос бўлган лексемалар таркибидаги унли ва ундош товушлар моногория ҳодисаси туфайли қисқарган бўлса-да, лекин улардаги церебрал товушлар сақланиб қолган. Ҳозирги адабий ҳиндий тилида

ушбу тартиб сонлар билан биргаликда қадимги санскритча шакллар ҳам кенг қўланилиши кузатилади.

5. Ҳиндий тилидаги юқорида таҳлилга тортилган истисно хусусиятига эга тартиб сонлардан ташқари қолган барча тартиб сонлар саноқ сонларга -वा:न va:n қўшимчасини қўшиш орқали ясалади. Эътиборли жиҳати шундаки, тартиб сонни англатувчи -वा:न va:n аффикси қадимги ва ўрта ҳинд-орий тиллари босқичида -तम tam, -मः mah каби шаклларда ривожланган бўлиб, бу аффикслардаги биронта товуш сақланмаган. Таъкидлаш жоизки, ҳиндий тили шаклланишининг дастлабки босқичлариданоқ -वा:न va:n аффикси қўлланила бошлаган. Гарчи, ҳозирги адабий ҳиндий тилида санскритча тартиб сонлар ҳам қўлланилса-да, лекин қолган саноқ сонларга синтетик усуlda -वा:न va:n аффиксининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган шаклларнинг кенг қўланилиши нисбатан қўпроқ кузатилади.

REFERENCES

1. Камтапрасад Г. Грамматика хинди. Часть II. Пер. с хинди Г.А. и Р.И.Бараныковых. Под ред. И с предисл. Проф. Б.А.Ларина. -М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1962.
2. Кочергина В.А. Санскрит. –М.: Академической Проект, 2007.
3. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003.
4. आर पिशल – प्राकृत भाषाओं का व्यकरण। -पटना, बिहार राष्ट्रभाषा परिषद् , 1958.
5. उदयनारायण तिवारी - हिन्दी भाषा का उद्भव और विकास। -प्रयाग, 1950.
6. धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962.
7. भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.
8. Chatterji S.K. The original and development Of Bengali Language. Volume two. - Culcutta, 1975.